O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 21-aprel • Payshanba • 50 (27.385) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



## АЁЛЛАРИМИЗ — ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Бугунги аёллар жамиятнинг турли жабҳаларида фаол. Аёл — тарбиячи. У мамлакат келажаги бўлмиш ёш авлодни камолга етказишдек эзгу ва улуғ ишни амалга оширмоқда. Аёл — шифокор, ширин сўзи ва меҳри билан дардмандларга дармон бўлаётир. У тадбиркор, фермер, мамлакат иқтисодини юксалтиришга ҳисса қўшиб келаяпти. Аёл раҳбар, у жамоани бошқараяпти, у — ихтирочи, у — бастакор. Хуллас, қаерга қараманг, рўзғор ишидан ортиб, мамлакат таянчига ҳам айланган опа-сингилларимизни кўриб қувонасиз, фахрланасиз.

Қашқадарё вилоят прокуратурасида жиноятчиликка қарши кураш, қишлоқ хўжалиги назорати, фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва вояга етмаганлар билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ибратли ишларда аёлларнинг алоҳида хизмати бор. Кийимлари ўзига ярашиб турган бу опа-сингилларимиз жиноятчиликнинг олдини олишда, жамиятга ёт иллатларга қарши курашда, ёшларнинг турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун ўтказилаётган тадбирларда эркаклар билан ёнма-ён, фидокорона меҳнат қилишмоқда.

✧✧✧

**Суратда:** (чапдан) Қарши тумани прокурори Малика Ҳақбердиева, вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари Санобар Ражабова ва Дилфуза Кўчқорова.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Математик физика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари» мавзуида халқаро конференция бошланди

## ... ФИЗИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Мазкур анжуман Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллигига бағишланган бўлиб, ундан кўзланган мақсад компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илм-фан, маданият, таълим соҳаларидаги илмий-техник тадқиқотларни янада ривожлантириш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган.

Анжуман давомида математик физика, ахборот ва ҳисоблаш технологиялари, тиббиёт, биологияда ахборот технологиялари қўлланишига бағишланган 180 дан ортиқ илмий маърузалар тингланиши мўлжалланган. Унда мамлакатимиз ва чет эл олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган олимлар иштирок этмоқда.

Тадбирда Тошкент ахборот технологиялари, Самарқанд ва Қарши давлат университетлари ҳамкорлигида видеоконференция ўтказилди. Унда таълимни ахборотлаштириш, биоинформатика ва бошқа соҳаларга оид чиқишлар қилинди. Шунингдек, республикамизнинг бир қатор университет ва институтларида тайёрланган янги дастурий ишланмалар ҳамда электрон адабиётлар намойиш этилди.

Мазкур халқаро конференция эртага ўз ишини якунлайди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

### ЎзХДП янгиликлари

## ФАЛАСТИН ЭЛЧИСИ БИЛАН СУҲБАТ

19 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Фаластин давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Абдуллох Таршахони ташриф буюрди. Элчини қабул қилган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Аслиддин Рустамов ва меҳмон ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Жаноб элчи ўтган йил охирида мамлакатимизда бўлган сайловлар натижалари ва унда ЎзХДПнинг иштироки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг фаолияти билан қизиқди.

ЎзХДП раҳбари республикамиз сиёсий майдонида партиянинг ўрни, Ўзбекистон ХДПнинг IV қурултойи ва унинг энг муҳим қарорлари, хусусан, ЎзХДП ўзини меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ифода этувчи сўл йўналишдаги сиёсий партия эканлигини эълон қилгани ҳақида тўхталиб ўтди, элчининг барча саволларига атрофлича жавоб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари М.Ельшов иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

### Кучли давлатдан — кучли жамият сари

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП — МАМЛАКАТ СИЁСИЙ КУЧЛАРИНИНГ СЎЛ ҚАНОТИ

(МАЗМУН, МОҲИЯТ ВА АҲАМИЯТ)

2004 йил охирларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётида жиддий воқеа рўй берди. Партиянинг 6 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги IV қурултойи **Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат сиёсий ҳаётида сўллик позициясида туришини**, шу аснода бошқа сиёсий партияларга муқобил бўлишини эълон қилди. Бу билан партия ўзининг мамлакат сиёсий майдонидаги ўрни, мақсад ва вазифаларига аниқлик киритди.

Ушбу воқеа мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам катта янгилик бўлди. Чунки миллий мустақиллик қўлга киритилгач, икки ой ўтгандан кейин майдонга келган ЎзХДП республика аҳолисининг барча табақаларига хизмат қилишга бел боғлади ва уларга таянишга, бошқача айтганда, бутун халқ партияси бўлишга ҳаракат қилди. Бу мустақилликнинг очиқ ва яширин душманларига қарши курашда жамиятдаги барча сиёсий кучларни миллий истиқлол байроғи остида бирлаштириш зарур бўлган шароитда ўзини тўла оқлади.

Мамлакат аҳолисининг деярли барча табақа вакилларини ўз сафларида бирлаштирган партия республика раҳбариятининг туб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келди. Иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган ЎзХДП аъзолари туб ислоҳотларни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар.

Шу билан бир қаторда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтилиши туфайли иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Аҳоли ўртасида табақаланиш жараёнлари кучайди, мулкдорлар синфи шаклланмоқда, «ўрта синф» вужудга келмоқда. Уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодаловчи турли нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, сиёсий партиялар пайдо бўла бошлади. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон ХДП билан ёнма-ён яна тўртта сиёсий партия мавжудлиги мазкур жараёнларнинг ҳосиласидир.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида фаолият кўрсатаётган аксарият сиёсий партиялар аҳолининг муайян табақа, гуруҳларига кўпроқ таянадилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сиёсий партияларни масаланинг мана шу томонига эътибор беришга даъват этмоқда. **Ҳар бир партия**, — деган эди у журналистлар билан бўлган учрашувларнинг бирида, — **ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига ҳам эга бўлиши лозим**.

Шу жиҳатдан қараганда, республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар ўз ижтимоий таркиби ва асосий таянчини, фикрдош, маслакдошларини аниқлашга интилиши табиий. Нафақат сиёсий партиялар, балки уларнинг баъзи аъзолари ҳам шундай изланишдалар. Ҳозир кузатилаётган айрим партиялар баъзи аъзоларининг бошқа сиёсий партияларга ўтиб кетишининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.

2-бет

## МАРҲАМАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖЛИКЛАРГА ҲАМ МАНЗУР

Жорий йилнинг дастлабки чорагиданоқ «Марҳамат электроника заводи» очиқ ҳиссадорлик жамияти ўз фаолиятида бурилиш ясади. Уч ойда ўтган йилнинг шу давридагидан ўн баравар кўп — 214 миллион сўмлик электротехника асбоб-ускуналари тайёрланди. 32 минг 900 АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулотлар жамият қошидаги «Марлен электроникс» савдо уйи орқали Россияга экспорт қилинди.

Ишдаги бундай илгарилаш жамоанинг давлатдан 67 миллион сўм қарзини узиш, ишчи-хизматчиларнинг 20 миллион сўм миқдордаги иш ҳақини тўлаш имконини берди. Илгари атиги 76 киши амал-тақал қилиб ишлаётган корхонада бугун 270 нафар ишчи кучи бор.

Таназзулга юз тутган корхонани оёққа турғазиш жамоа учун осон кечмади. Бозор иқтисодиёти талабларини изчил ўрганиш ва иш участкаларини ёш, серғайрат, қобилиятли кадрлар билан тўлдириш бунга замин яратди. Ўтган йилнинг охирида Санкт-Петербургдаги «ООО Азимут-2000» масъулияти чекланган жамият ишбилармони Елена Юракова корхона акциядорлари билан ҳамкорлик қила бошлагач, иш янаям юришиб кетди. Аввал эҳтиёж ўрганиб чиқилди. Кейин муносиб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилди. Чунончи «КУ» ўчиргичлари, «ТН-100», «ПН-250» сақлагичлар, «ВР-32» автомат электр жиҳозларининг харидорлари эндиликда мамлакатимиздагина эмас, хорижда ҳам кўпайиб қолди.

— Айни пайтда ишчи-хизматчиларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириб, уларга қулай меҳнат шароитлари яратишга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди жамият бош директори Алишер Тўрабоев. — Ҳозир кичик бўлса ҳам ёпиқ ўйингоҳ қуряпмиз. Ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, мевазор боғ яратдик. Иссиқхона ишга тушди. Мўъжазгина санаторий-профилакторий қуриш ҳаракатидамиз...

Инсон омилига бўлган бундай эътибор — жамоанинг эртаси янада яхши бўлишига умид уйғотмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ишга туширилган «Родник-Пахтачи» қўшма корхонаси пахта ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кунига олти тонна сифатли пахта ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона маҳсулотлари нафақат Самарқандда, балки бошқа вилоятларда ҳам ўз харидорини топмоқда. Беш юз фермер билан шартнома имзолаган корхона саккиз минг тонна чигитни қайта ишлашни режалаштирган.

**(Ўз мухбиримиз)**

### Хорижий нашрлар саҳифаларида

**Маълумки, шу йил сентябрь ойида буюк алломамиз, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1025 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳрида нуфузли халқаро анжуман ўтказилади. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ибн Сино халқаро жамғармаси ва жамоатчилик томонидан буюк бобокалонимиз таваллуди кунини кенг нишонлаш юзасидан катта ҳозирлик ишлари кўрилаётган бир пайтда араб дунёси олимлари ҳам қутлуғ сана олдидан бу мавзуга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

## «АЛ-ҲАЁТ» ГАЗЕТАСИ ИБН-СИНО ҲАҚИДА

Хусусан, яқинда араб оламида катта эътибор қозонган «Ал-Ҳаёт» газетасида Ҳудо Толиб Сирожнинг «Ибн Сино: табиб, файласуф ва унинг халқ хотирасидаги сурати» сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

Муаллиф Ибн Синони араб оламидаги энг катта ҳурматга эга бўлган тарихий шахслардан бири эканини таъкидлар экан, унинг тиббиёт соҳасидаги буюк кашфиётлар соҳиби сифатида инсониятга қолдирган бебаҳо мероси хусусидаги фикрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. У буюк олим, файласуф, табиб, шоир ва ўз даврининг барча билимларини мукаммал эгаллаган аллома бўлгани боис халқ ўртасида «Шайх ар-Раис», «Учинчи муаллим» (Аристотел ва Форобийдан кейинги) ҳамда «Табиблар амири» сингари фахрли номлар соҳиби бўлганини қайд этади.

Мақолада алломанинг машҳур «Тиб қонунлари» асарига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, муаллиф унинг жаҳоншумул аҳамияти тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашади. Ушбу асарнинг 1473 йили лотин тилига ўгирилган таржима нусхаси Европанинг Италия, Франция, Бельгия сингари мамлакатлари университетларида узоқ йиллар давомида — XVII асрнинг ўрталаригача тиббиёт соҳасидаги ягона дарслик бўлиб келган, дейди муаллиф.

Мақолада дунёнинг турли мамлакатлари-ю нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан Ибн Сино меросига бағишлаб кўплаб илмий анжуманларнинг ўтказилиши инсоният тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломанинг дунё миқёсида тан олиниши ва унинг сиймосига бўлган чуқур эҳтиром рамзи эканлиги алоҳида қайд этилади.

**«Жаҳон» АА**

**Мамлакатимизда «Аср қурилиши», дея эътироф этилаётган «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилиши тизимида яна бир иншоот —**

## «ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИДА

сўнгги пардоз ишлари ниҳоясига етмоқда

Қурилишда айни кунларда 3 минг нафардан ортиқ бунёдкорлар шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Жуда қисқа муддат — уч ойдан кўпроқ вақт давом этган мазкур иншоотда қурилиш-таъмирлаш жараёнлари деярли ниҳоясига етди.

— Сўнгги пардоз ишлари ҳам якунланмоқда, — дейди **қурилишга Фарғонадан келган Қўқон минтақавий темир йўл шахобчаси раҳбари Иқболжон Асқаров.** — Бу ерда Қорақалпоғистон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа вилоятлардан келган минглаб қурувчилар икки сменада меҳнат қилишаяпти.

Замонавий жиҳозланган ва барча қулайликларга эга бекат, хусусан, унинг йўловчилар кутиш зали киши завқини оширади. Бекат атрофига 2 минг тупдан кўпроқ арча дарахти ниҳоллари ва турфа манзарали гуллар экилди. 400 метрдан ортиқ саҳнни юзлаб тунги чироқлар безаб турибди. Бўёқ, сувоқ ишлари аъло даражада. Йўллар кенгайди, равонлашди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз халқ хўжалигининг қон томири — темир йўл хизматининг яна бир янги шахобчаси — Қумқўрғон темир йўл бекати эрта-индин катта тантаналар билан очилишга тахт.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

### «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

## «БОЛА МАЪНАВИЯТИ — МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ»

Газетамизнинг шу йил 26 март сонида Фарғона вилоят прокурори ўринбосари Азиз Ҳакимовнинг «Бола маънавияти — миллат маънавияти ёки Фарғона вилоятидаги айрим мактабгача тарбия муассасаларида болалар ҳақига хиёнат қилаётган тарбиячилар ва ўз уйида «Исломий боғча» очиб олган аёл ҳақида» сарлавҳали танқидий мақоласи ёритилган эди. Яқинда мазкур мақола юзасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақола бошқарманинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари мудирлари, бошқарма тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари ва бош ҳисобчилар иштирокида муҳокама қилинди ҳамда бошқарманинг ҳайъат қарори чиқарилиб, ижро учун жойларга юборилди.

Мазкур ҳайъат қарорида Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими мудираси Л.Эргашева бошқарманинг 2003 йил 1 февралдаги 62-буйруғига, бўлим ҳисобчиси Н.Мадраҳимов ҳам бошқарманинг 2003 йил 17 июлдаги 138-буйруғига, таъминотчилар Р.Йўлдошев, Э.Ҳошимовлар эса туман халқ таълими бўлимининг 2003 йил 9 июлдаги 92, 93-буйруқларига асосан вазифаларидан бўшатилганликлари, шунингдек, Қувасой шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Лола» болалар боғчасининг хўжалик мудири Ҳ.Ҳакимов, Боғдод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 25-болалар боғчаси хўжалик мудири Қ.Деҳқоновлар тегишли буйруқларга асосан вазифаларидан бўшатилганликлари ҳамда улар томонидан давлат бюджетига келтирилган зарар тўлиқ қопланганлиги, шунингдек, Қўқон шаҳар, Фурқат кўчаси, 116-уйда яширин ва ноқонуний равишда очилган «Боғча» фаолияти тўхтатилиб, ундаги тарбияланувчилар шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 8-, 22-, 30-мактабгача таълим муассасаларига тортилганлиги инобатга олинди ва келгусида шу каби камчиликларни қайта такрорланмасликнинг олдини олиш юзасидан бошқарманинг тегишли чора-тадбирлари белгиланди.

**Фарғона вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. ХОДЖАЕВ»**

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ЎЗЛИГИМИЗ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗ



Истиқлол туфайли азалий удумларимиз тикланди, унитилаёзган урф-одат, анъаналар қайта қадр топди. Асрлар давомида халқимиз турмуш тарзидан ўрин олган кулолчилик, пичоқчилик, бешикчилик, каштачилик каби миллий ҳунармандчилигимиз ҳам ривожланиб бормоқда.

Ургутлик моҳир кулол Нўъмон Облоқуловни бугун нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда кўпчилик яхши танийди. Унинг 36 киши меҳнат қилаётган кулолчилик корхонасида турли хил кўзалар, мундилар, коса, пиёла каби уй-рўзғор бумлари нозик дид ва моҳирлик билан ясалмоқда.

Нўъмон Облоқулов тайёрлаётган кулолчилик буюмларига хорижда ҳам қизиқиш катта. Уларга четдан кўплаб буюртмалар олмоқда. Уста ясаган санъат асарлари Япония, Франция, Германия, Покистон, Австралия ва бошқа давлатлардаги кўргазмаларда намойиш қилинган, ҳозир кўплаб музейларда сақланмоқда. Унинг уйида ташкил этилган кулолчилик тарихига оид экспонатлар эса ҳар қандай кишини маҳлиё этади.

— Мен машҳур кулоллар сулоласининг саккизинчи авлодиман. Отам марҳум Маҳкам Облоқулов Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ургут кулолчилик мактабининг асосчисидир, — дейди Нўъмон Облоқулов. — Биз ҳам сулоламиз ишини давом эттириш, уни асраб-авайлаб, келажакка етказиш йўлида ҳаракат қиляпмиз. Қолаверса, миллий ҳунармандчилигимиз намуналарига бошқа ўлкаларда қизиқиш юқорилигини ҳисобга олиб, маҳсулотларимиз сифатини янада ошириш йўлида изланаяпмиз.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

✧✧✧

**Суратда:** уста кулол Нўъмон Облоқулов.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

Кучли давлатдан кучли жамият сари

# ЎЗБЕКИСТОН ХДП — МАМЛАКАТ СИЁСИЙ КУЧЛАРИНИНГ СЎЛ ҚАНОТИ

## (МАЗМУН, МОҲИЯТ ВА АҲАМИЯТ)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу жараён ЎзХДПни ҳам четлаб ўтмади. Унинг ижтимоий таркиби ва асосий ижтимоий таянчи масаласига аниқлик киритиш зарурати туғилди. Партиянинг тўртинчи қурултойи масалага ойдинлик киритиб, **Ўзбекистон ХДП меҳнат аҳлига таянади,** деб эълон қилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ***меҳнат кишиларига таянади дейилганида***, — изоҳ берилди қурултойда қилинган асосий маърузада, — ***биз биринчи навбатда ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва тиббиёт ходимларини кўзда тутмоқдамиз. Албатта, ҳарбий ва давлат хизматчилари, пенсионерлар, ногиронларга ҳам биз суянамиз***. Бошқача айтганда, **Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиёти шароитида** шаклланиши табиий бўлган иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда айни оддий **ходимлар (яъни, меҳнаткаш ишловчилар) манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.** Бу нима дегани?

Маълумки, кўпгина мамлакатлар, хусусан, ривожланган давлатлар амалиётида аҳолининг мазкур табақа ва гуруҳлари манфаатлари учун курашадиган сиёсий партиялар, анъанага кўра сўл партиялар, уларга муқобил бўлганлари эса ўнг партиялар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, тарихий тажриба муайян шароитларда ўнг ва сўл партияларнинг ўта сўл (*радикал, инқилобий ва ҳоказо*) ёки ўта ўнг (*йирик ўзгаришларга қарши консерватив*) қанотлари, шунингдек, ўнг ва сўл сиёсий ташкилотлар орасида турган марказчи сиёсий кучлар ҳам бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Сўл позицияда турган бизнинг партиямиз ўта сўллик йўлидан асло бормаслигини ўзининг бутун тарихи давомида исботлаб келмоқда.

Энди, ЎзХДП таркибининг ижтимоий таркибини олиб кўрайлик. Ҳозир унинг сафларида 585196 аъзо бўлиб, шундан 38,3 фоизини ишчи ва деҳқонлар, 41,1 фоизини хизматчилар (шу жумладан зиёлилар), қарийб 3 фоизини ўқитувчилар ва тахминан шунчасини тадбиркорлар ташкил этади.

Кўриб турганимиздек, **Ўзбекистон ХДП аҳолининг қандай табақалари, жамиятнинг қайси қисми манфаатларини ҳимоя қилиши нуқтаи назаридан ҳам, ўзининг ижтимоий таркиби жиҳатидан ҳам ҳақиқий сўл партиядир**.

Партиянинг ижтимоий негизидан унинг мақсад-муддаоси ва асосий вазифалари келиб чиқади. Агар биз Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастурига мурожаат этсак, унда: ***«Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг олий мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборат***. **Инсон, халқ манфаатлари партиямиз учун ҳар нарсадан устундир!»** — дейилган.

Ўзбекистон ХДП Дастуридан, шунингдек, миллий мустақилликни асраш, мамлакатда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли жамиятни бунёд этиш масалалари ҳам муносиб жой олган.

Партиянинг IV қурултойи Ўзбекистон ХДПнинг кимлар манфаатини ҳимоя қилиши масаласига ҳам аниқлик киритди. **«Бизнинг асосий мақсад-муддаомиз,** — дейилди Марказий Кенгаш номидан анжуманга тақдим этилган маърузада, — **демократик давлат доирасида ижтимоий масалаларни ишловчилар манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этиш, бу йўлда ғов бўлган кучлар, шу жумладан иш берувчилардан ушбу масалада адолатли бўлишни талаб қилишдир**. Мамлакатимиз ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳозирги пайтда **аҳолининг заиф қатламлари** — кам даромадли, кўп болали оилалар, пенсионерлар, талабалар, ногиронлар, айниқса, кўмакка муҳтождирлар. **Биз уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрмиз».**

Шундай қилиб, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз меҳнат аҳли ва аҳолининг заиф табақалари манфаатларининг ифодачиси сифатида ижтимоий масалаларни улар фойдасига ҳал этиш, яъни ижтимоий адолат учун курашишни ўзининг бош мақсади**, деб эълон қилди. Бу 2004 йил қабул қилинган Сайловолди Платформасида ўз аксини тўла топди. Ушбу ҳужжатда партия, биринчи навбатда, меҳнат аҳлининг турмушига дахлдор, пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшлар, кўп болали оилаларни ташвишлантираётган йўловчи-транспорт, алоқа, уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақининг тўхтовсиз ошиб бориши, нарх-навонинг ўсиши, маошларнинг вақтида тўланмаслиги, ишсизлик каби ижтимоий масалаларга ўз қарашларини ҳамда уларни ечиш юзасидан аниқ таклифларини жамиятга тақдим этди. Ундаги қарашлар аниқ ва реал бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловолди учрашувларида кўплаб фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланди.

**Партиямизнинг мафкураси ҳам айни сўллик ғояларидан иборат** бўлиб, унда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, аҳолининг ёрдамга муҳтож табақа ва гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга оид қарашлар мужассамлашган. Шу билан бирга, у истиқлол ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳам таянувчидир. Ўзбекистон ХДПнинг мафкураси фикрлар ва дунёқарашлар, эътиқод ва сиёсий йўналишлар хилма-хиллиги, инсонийлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, меҳнатсеварлик ва саховатпешалик каби кўплаб фазилатларни эътироф этади. Кишиларни эзгуликка, аҳилликка, янгиликка чорлайди. **Бизнинг мафкурамиз**, — дейилади партия IV қурултойи арафасида «Голос Узбекистана» газетасида эълон қилинган «Биз — меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялаш партиясимиз» номли мақолада, **— демократик давлатни бунёд этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий адолат ва аҳолининг заиф табақаларини қўллаб-қувватлаш мафкурасидир**.

Демак, **Ўзбекистон ХДП сўл позициясининг моҳияти шундаки, у нафақат ўзининг ижтимоий таркиби ва ижтимоий таянчи, балки дастурий ғоя ва мақсад-муддаоси, мафкураси билан ҳам чинакам сўл партиядир.**

Хўш, сўллик позициясини танлаган партия ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда қайси йўлни тутади, қандай воситалар ва кураш усулларидан фойдаланмоқчи? Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойидаёқ ўзини жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида синовдан ўтган **демократик тараққиёт тарафдори** эканлигини эълон қилди ва бежиз демократик партия деб номланмади. Партиянинг Дастурида ёзилишича, ***Ўзбекистон Халқ демократик партияси қўйилган мақсадларга эришиш учун барча усуллар ҳам маъқул, деб ҳисобламайди***. Бу билан у сиёсий курашнинг ноқонуний йўл ва усулларини очиқ-ойдин рад этди. Зотан, у ўз мақсад-муддаосига эришиш, олдида турган муҳим вазифаларни адо этиш учун конституциявий тузум ва қонунларга зид хатти-ҳаракатларни, инқилобий тўс-тўполонлар, бошбошдоқлик ва террорчилик усулларини инкор этиб, курашнинг жаҳондаги демократик давлатларда ўзининг афзалликларини кўрсатган шакллари, хусусан, **парламентчиликдан** кенг фойдаланишни ихтиёр қилди.

Шу боис, **парламентчилик Ўзбекистон ХДП фаолиятининг устувор йўналишидир**. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда бўлиб ўтган барча сайловларда партия фаол иштирок этиб, мамлакат парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўз депутатлари орқали давлат ҳокимияти қонунчилик ва вакиллик органлари ишида имкон қадар қатнашиб келмоқда. Жумладан, Биринчи ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлисдаги партия фракциясининг фаолиятидан кўпчилик хабардор. Унинг аъзолари миллий давлатчилигимиз, олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизларини яратишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Парламентчилик билан бир қаторда, партиямиз ижтимоий-сиёсий ишларнинг бошқа шакллари (мафкуравий, тарғибий-ташвиқий, сиёсий реклама, давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилиш, ОАВ орқали ўз сиёсати ва фаолияти тўғрисида мунтазам ахборотлар тарқатиш ва бошқалар)дан ҳам фойдаланишда тажриба тўплади. Чунончи, партиямиз Марказий Кенгаши ташаббуси билан 2000 йилнинг 12 сентябрида республикадаги барча сиёсий партиялар ва қатор нуфузли жамоат бирлашмалари вакилларининг ишчи учрашуви ўтказилиб, унда Иккинчи чақириқ Олий Мажлис III сессиясининг Ўзбекистон фуқаролари, барча мамлакатлар парламентлари, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги Мурожаатига жавобан халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остидаги ҳамкорликнинг амалий ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП вакиллари мамлакатимизда уюштирилаётган ижтимоий-сиёсий анжуман, учрашув ва «давра суҳбат»ларида фаол иштирок этмоқда. Партия Ўзбекистонда кечаётган барча демократик жараёнларни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларда бевосита иштирок этиш билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари — нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Улар орасида касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар «Экосан» халқаро ташкилоти, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва бошқалар бор.

Партиямиз, шунингдек, аҳолининг турли табақалари, хусусан, меҳнат аҳли вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш масаласига ҳам катта эътибор беради. Чунончи, Марказий Кенгаш аъзолари ва ЎзХДПдан сайланган депутатлар, маҳаллий партия кенгашлари раҳбар ва масъул ходимлари меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллалар, ҳарбий қисмларда ишчилар, деҳқонлар, профессор-ўқитувчилар, муҳандис-техник, илм-фан, ижодиёт, тиббиёт ходимлари, офицер ва аскарлар, ёшлар билан тез-тез учрашмоқдалар. Улар одатда Ватанимиз мустақиллигининг аҳамияти, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва бориши, республика ҳукуматининг Марказий Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши юритаётган сиёсати, партиянинг дастурий ғоялари ва амалий фаолияти ҳақида сўзлаб бермоқдалар, фуқароларни қизиқтирган турли саволларга жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Партия ўз ғоялари, сўл қарашлари ва сиёсатини кенг жамоатчиликка етказишда ишончли восита — демократик матбуот, хусусан, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва қатор вилоят кенгашлари нашрларига доим таянади. Демак, **Ўзбекистон ХДП ўз дастурий мақсадлари ва олдида турган устувор вазифаларни рўёбга чиқаришда курашнинг турли демократик шакл ва воситаларидан кенг фойдаланаётир.**

Ўзбекистон ХДПнинг янгиланган позицияси унинг зиммасига катта масъулият юклайди. Эндиликда, у ўз ижтимоий таянчлари ва аҳоли эҳтиёжманд қатламлари, шунингдек, унинг номзодларига овоз берган барча сайловчиларнинг манфаатлари учун фаол ҳаракат қилиши, уларнинг ҳимоячиси эканлигини амалда кўрсатиши лозим.

Буни яхши тушунган партиямиз ўзининг сўл сиёсатини амалда намоён қилишга киришди. Агар унинг Сайловолди Платформаси шу йўлда қўйилган дастлабки қадам бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг парламентдаги ЎзЛиДеП, «Фидокорлар» ва «Адолат» партияларининг фракцияларидан иборат кўпчиликни ташкил этувчи «Демократик блок»ка нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилиши мазкур йўналишдаги иккинчи муҳим сиёсий қадам бўлди. Бу билан парламентда ўз вакилларига эга бўлган турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш учун замин яратилди.

Шиор ва даъватлардан амалий ишларга ўтиш бобида яқинда яна бир жиддий қадам қўйилди. Марказий Кенгашнинг сўллик шиори остида бўлиб ўтган II пленуми партиянинг Ҳаракат дастурини қабул қилди. Унда 2005-2009 йилларда аҳоли заиф қатламлари манфаатларини кўзлаб бажарилиши мўлжалланаётган амалий ишлар мужассамлашган. Уларни бажаришда партиянинг парламент фракцияси билан бир қаторда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, партия кенгашлари ва барча партия аъзолари фаол иштирок этишлари лозим. Партия фракцияси шундан келиб чиқиб, ўз иш режасини тузди ва уни амалга оширишга киришди.

Аҳоли муайян табақа ва гуруҳлари манфаатларининг ифодачиси ва ҳимоячиси вазифасини бажаришни ўз зиммасига олган сўл партиямиз улар олдида масъулдир. Чунки, у юрт тинчлиги, фуқаролар тотувлиги, мамлакат тараққиёти учун бошқа сиёсий кучлар билан бир қаторда жавобгардир.

Хуллас, **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсий позициясига аниқлик киритилиши унинг ўзи учун ҳам, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ва умуман демократиянинг мустаҳкамланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, партиянинг қиёфаси, сиёсий майдондаги ўрни ва роли, курашиш мақсадлари ва жорий вазифалари ҳозирги замон талаблари асосида янгиланди.** Унинг халқ ўртасидаги обрўси ошганлиги ҳозирнинг ўзида сезилмоқда.

Айни пайтда, ушбу воқеа мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партияларнинг ўз дастурий мақсад ва ижтимоий таянчларини янада аниқроқ белгилашларига туртки бўлди. Барчаси мустақиллик, демократия ва ислоҳотлар тарафдорлари бўлган мавжуд сиёсий партияларни бирбиридан ажратишга қийналаётган фуқаролар учун ҳам яхши бўлди. Зеро, сиёсий партиялар эндиликда бир-биридан фарқ қила бошлади. Ўз ижтимоий таянчи, ўз электорати, ўз дастурлари ва қиёфасига эга бўлмоқда.

Вақт одил ҳакам дейдилар. Партиямиз қўйган мазкур муҳим қадамнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлашига шубҳа йўқ.

**Собир ҚУРБОНОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

ЎзХДП янгиликлари

# ФАОЛЛИК, ЖОНКУЯРЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши пленумида партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки якунлари, ЎзХДПнинг мамлакат сиёсий ҳаётида сўл партия сифатидаги ўрни масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Абдумалик Қўчқоралиевнинг маърузасида амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Хусусан, ўтган йили 1921 кишининг партия сафига қабул қилинганлиги, уларнинг аксарияти ташаббускор, ғайратли, фидойи, обрў-эътиборли фуқаролар эканлиги эътироф этилди. Шу билан бирга йил давомида 24 нафар ХДП аъзосининг партиямиз билан алоқасини узганлиги, уларнинг айримлари ҳатто партиядан чиқиш тўғрисида ариза ҳам бермасдан бошқа партия сафига ўтиб кетганликлари қайд этилди. Оқолтин, Боёвут, Гулистон туманлари партия кенгашларининг мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаганликлари, улар фаолиятида ҳали-ҳануз заифлик ва сусткашлик сақланиб қолаётгани танқид қилинди. Бу ҳолат уларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, партия тузилмалари диққатини ХДП дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратиш, депутатлар билан ишлашни яхшилаш, фаоллар ўқувини ташкил этиш билан боғлиқ ишларга кам эътибор қаратилаётганига урғу берилди.

Мунозараларда сўзга чиққанлар партиядаги ислоҳот унинг ҳар бир аъзоси фаоллигини ошириш билан бевосита боғлиқ эканлиги, бу борадаги энг яхши ташвиқот аввало амалий ишларда кўринишини таъкидладилар.

**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, Сенат аъзоси, вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Ёнимиздаги одамнинг муаммоси, ташвишини ўзимизники, ҳаммамизнинг, бутун партиянинг ташвиши, муаммоси деб қарасаккина фаолиятимиз самарали бўлади, халқ орасида партиямизнинг обрў-эътибори янада ошади.

**Рустам ТУРДИЕВ, вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси:**

— Сайловлар ўтди. Аммо, 4-5 йилдан кейин яна сайлов келади. Шунда яна югур-югур, чоп-чоп бошланади. Таклифим: бўлажак сайловларга тайёргарликни ҳозирдан бошлайлик. Ўтган сайловлардаги хатоларимиздан хулоса чиқарган ҳолда депутатликка энг муносиб номзодларни танлаб олиб, жойларда, сайловчилар орасида ташвиқот ишларини ташкил этайлик. Шунда фуқаролар биз танлаган номзодни 3-4 йил ичида обдон синаб кўради, деган умиддаман. Ўз-ўзидан сайловда ҳам унга овоз берди. Яна бир гап. Ҳар бир партия аъзосининг партиямиз сафидан чиқишига фавқулодда ҳолат деб қарашимиз керак ва бунинг сабабларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб боришимиз лозимга ўхшайди.

**Нўъмон РАҲМОНБЕРДИЕВ, Сирдарё иссиқлик-электр станциясидаги бошланғич партия ташкилоти котиби:**

— Корхонамиз раҳбари Зокиржон Ёқубов вилоят Кенгаши депутатлигига 28-сайлов округидан номзод этиб рўйхатга олинган эди. Лекин ўтолмади. Бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олаяпмиз. Эҳтимол, сайловга тайёргарлик жараёнининг қаеридадир сусткашликка йўл қўйгандирмиз. Балки кучимизга, имкониятларимизга ортиқча баҳо бериб юборгандирмиз. Нима бўлгандаям, бўлар иш бўлди, деб қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Келгуси сайловларга ҳозирликни аллақачон бошлаб юборганмиз. Қандай қилиб дейсизми? Корхонамизда партиямиз аъзолари, унга хайриҳоҳ кишилар сонини кўпайтириш, яхши ишлар, ибратли тадбирларнинг бошида турган ҳолда бошланғич ташкилотимизнинг обрў-эътиборини ошириш йўли билан. Масалан, ҳозир жамоамизнинг 450 нафар ишчи-хизматчиси ЎзХДП аъзоси, йил охиригача уларнинг сони янада кўпаяди.

**Владимир ДУБКОВ, Гулистон давлат университети доценти, сиёсатшунос, вилоят Кенгаши депутати:**

— Депутат сифатида февраль, март ойларида Гулистон шаҳридаги маҳаллаларда бўлдим. Бировлар газ босими пастлигидан, кимдир ичимлик суви йўқлигидан, айримлар эса кўп қаватли уйларнинг томидан қор, ёмғир сувлари ўтиб кетаётганлигидан шикоят қилишди. Шунда коммунал хизматлардаги бу каби камчиликларга чек қўйиш, уларни босқичма-босқич бўлса-да, тугатиш учун биз — депутатлар жуда кўп ишлашимиз кераклигини ҳис қилдим. Булар ҳақида тегишли бошқармалар, ҳокимликлар олдига зарур талаблар, сўровлар қўйишимиз, сайловчиларимиз манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишимиз, шу йўл билан уларнинг ишончини оқлашимиз керак бўлади.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси этиб Абдумалик Қўчқоралиев, раис ўринбосарлари этиб Алишер Тошматов, Ҳаётхон Ортиқбоевалар сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Собиржон Усмонов сўзга чиқди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ўзбекистон ХДП Элликқалъа туман кенгаши**нинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Қорақалпоғистон республика кенгашининг бўлиб ўтган пленуми қарорларини бажариш, партия ташкилотининг 2004 йил сайловларидаги иштироки, «Сиҳат саломатлик йили» давлат дастури бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳамда туман партия кенгаши ҳаётига оид бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди. Пленумда сўзга чиққан туман ҳокими Н.Худойбергенов, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари А.Ибодуллаев, туман марказий кутубхонаси директори Ҳ.Исмайлов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирдилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Одилбек Қулимов Ўзбекистон ХДП Элликқалъа туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

**Қарши шаҳар кенгаши**нинг бўлиб ўтган пленумида асосий эътибор амалий иш бажариш, партия ташкилотининг фаоллигини оширишга қаратилди. Пленумда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДПнинг сўл позициясидан келиб чиқиб ижтимоий масалаларга эътиборни кучайтириш, депутат қабулхоналари ишини тўғри ташкил қилиш хусусида аниқ таклифлар билдирдилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилиб, Рашид Муртозаев Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди.

**Хонқа туман кенгаши** туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Никоҳ, оила, фарзанд, маҳалла — соғлом турмуш тарзи негизи» мавзуида семинар-учрашув ўтказди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифий масалалар бўйича раис маслаҳатчилари, фаол аёллар иштирок этдилар. Тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, диний экстремизм ва унинг жамият барқарорлигига таҳдиди, маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилди.

**Учкўприк туман кенгаши** туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қатор жамоат ташкилотларининг шу ердаги бўлимлари билан ҳамкорликда шифокор қизлар ўртасида «Энг жонкуяр тиббиёт ходимаси» кўрик-танловини ўтказиб, ғолибларга эсдалик совғаларини тақдим этди.

**Тошлоқ туман кенгаши** Варзак агросаноат касб-ҳунар коллежида Хотира ва Қадрлаш куни олдидан «Уч авлод учрашуви»ни ўтказишда фаол иштирок этди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларга ўзларининг ҳаёт йўли, мустақилликнинг қадри ҳақида гапириб бердилар.

**Фурқат туман кенгаши** ташаббуси билан Ардахшон қишлоғи стадионида ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ташкил қилинди. Ғолиблар партия кенгаши ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Олтиариқ тумани** «Маориф» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти шу ердаги 34-«Наврўз» болалар муассасасида «Ҳаёт сабоқлари» мавзуида тадбир ўтказди. Унда иштирок этган маҳаллалар фаоллари, тарбиячилар ёш авлодни комил инсон даражасида тарбиялаш, миллий қадриятларни уларга етказиш масалалари хусусида фикрлашдилар.

**Хонқа туман кенгаши** ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорликда 36-сон «Қуёшжон» болалар боғчасида «2005 йил тарбиячиси» мавзуида кўрик-танлов ўтказдилар.

**Шахрихон туман кенгаши** туман маданият бўлими билан ҳамкорликда эл суйган шоир, марҳум Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган кеча ўтказди. Унда иштирок этган ижодкорлар, ёшлар шоирнинг ижоди, ҳаёт йўли ҳақида суҳбатлашдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ



Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч. Шу кунларда Фарғона вилоятида ҳам юзлаб йигитлар мана шундай шарафли вазифани бажариш учун ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқдалар.

— Фарзандларни вояга етказиб, Ватан хизматига йўллаш ҳар бир ота-онанинг муқаддас орзусидир, — дейди Қиргули туманидаги Нодирмат қишлоғилик Муборак Камолова, — ўғлим Баҳромжонни Қуролли Кучлар сафига кузатар эканман, юрагимда ана шундай фахр-ифтихор туйғусини ҳис этдим.

— Чақирилувчи йигитлар бақувват, соғлом, армияда ҳар қандай вазифани бемалол уддалай оладилар, сафимизга энг муносиблар қўшиляпти, — дея хурсандчилигини изҳор қилди Шарқий ҳарбий округ қўмондони ўринбосари, подполковник Рустамжон Нодиров.

Ҳа, подполковник ҳақ. Она юртимиз ҳимоячилари сафи энг муносиб, жасур ва мард йигитлар ҳисобига тўлдириляпти.

✧✧✧

**Суратларда:** подполковник Рустамжон Нодиров чақирилувчилар билан суҳбатлашяпти; Муборак Камолова ва ўғли Баҳромжон.

**Шерзод ҚОРАБОЕВ ва**
**Иброҳимжон ЮСУПОВ**
**олган суратлар**



Ибрат

Жалақудуқ туманидаги подшипник заводи нима бўлди-ю, бозор иқтисодиёти шароитида таназзулга юз тутди: маҳсулот бараказ қочди, маош камайиб кетди, ишчи ўринлари ҳам.

Қандай қилинса иш ўнгланади? Корхона қачон кўнгилдагидек ишлайди?

Бундай саволлар кўпчиликни ўйлантирарди. Биров у деди, биров бу... Тадбиркорлар, акциядорлар муаммо ечимини топишга уринишди. Ниҳоят, Россиядаги Самара подшипник корхонаси билан ҳамкорлик бошланди.

# ҲАМКОРЛАРГА МАНЗУР ТУШДИ

Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Подшипник» очиқ акциядорлик жамияти базасида масъулияти чекланган жамият шаклида — «SPZ-BERINGS» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилди. Россиядан келтирилган темир қувурлардан «309», «310», «311», «312» подшипникларининг ички ва ташқи халқаларини тайёрлашга киришилди. Саъй-ҳаракатлар қисқа вақтдаёқ натижа кўрсатди: ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 63 миллион 825 минг сўмлик подшипник халқалари ишлаб чиқарилди. Шундан 45 миллион 590 минг сўмлик маҳсулот Россияга экспорт қилинди.

— Жамоамизнинг бу йилги кўрсаткичлари янада юқори бўляпти, — дейди қўшма корхона бош технологи Ҳасанбой Болтабоев, — биринчи чоракда 154 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан 109 миллион 203 минг сўмлиги экспортга жўнатилди. Одамларнинг манфаатдорлиги ҳам ошди. Ҳар бир ишчи-хизматчимиз ўртача 75-80 минг сўмдан маош олишмоқда. Шунингдек, иш ўринларимиз ҳам кўпаймоқда...

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

## Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан

**«Хоразм заминида бундан ўн аср муқаддам ўз бағрида Шарқнинг буюк олимларини бирлаштирган, инсоният тарихидаги илк академиялардан бири бўлган Маъмун академияси фаолият кўрсатган... Орадан минг йил ўтиб, Хивада Маъмун академиясини қайта ташкил этганимиз аждодларимизнинг бу борадаги анъаналари бугун ҳам давом этаётганидан далолат беради.»**

**Ислом КАРИМОВ**

*Курраи заминнинг энг кўҳна илмий марказларидан бири ҳисобланган Хоразм Маъмун академияси истиқлол шарофати билан қайта тикланди. Ўз даврида «Байтул ҳикма», яъни «Донишмандлар уйи» деб номланган ушбу масканда замонасининг етук алломалари фаннинг кўплаб йўналишларида жаҳоншумул тадқиқотлар олиб борган. Шулардан бири тиб илмининг асосчиси ҳисобланган Абу Али ибн Синодир.*

*Биз Ибн Сино номидаги халқаро жамғарманинг Хоразм вилоят бўлими раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр ДЎСТЧОНОВ билан буюк олимнинг академиядаги фаолияти, устоз ва шогирд анъаналари хусусида суҳбатлашдик.*



# «ЕТТИНЧИ ҚИТЪА»

### Биринчи минг йилликда асос солинган учта илм маскани бугун чинакам фан мактаби сифатида тан олинади. Булар: Рим, Бағдод ва Хоразм Маъмун академияларидир

**— Домла, даставвал Маъмун академияси борасидаги мухтасар фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Инсоният томонидан асос солинган ҳар бир илм даргоҳи ўзига хос манзил-макон ҳисобланади. Шу ўринда мен Хоразм Маъмун академиясининг тарихимизда тутган аҳамияти, жаҳон илм-фани равнақига қўшган беқиёс ҳиссасини ҳисобга олиб, уни «Еттинчи қитъа» деб атаган бўлардим. Чунки, сайёрамизда олтита қитъа мавжудлиги ҳаммамизга маълум. Дунё яралибдики, олимлар ана шу қитъаларни тадқиқ этишади. Энг олий хилқат ҳисобланмиш одамзот эса бош тадқиқот манбаидир. Шу маънода буюк олимларимизга ўзига хос мактаб бўлган ушбу академияни еттинчи қитъага қиёслаш ўринли.

**— Одатда ҳар қандай илм даргоҳининг салоҳиятини ўша жойда фаолият олиб борган машҳур олимлар белгилаганлар. Бу борада Маъмун академиясининг тутган ўрни қандай бўлган?**

— Жаҳон тарихининг турли даврларида етук илмий масканлар ташкил қилишга уринишлар кўп бўлган. Аммо бугунга келиб биринчи минг йилликдаги учта илм даргоҳигина чинакам фан мактаби сифатида тан олинади. Булар: Рим, Бағдод ва Хоразм Маъмун академияларидир. Бу ерда фаолият кўрсатган алломалар кейинчалик дунё илм-фани ривожига салмоқли улуш қўшдилар. Бир сўз билан айтганда, улар инсониятга ўзини, тарихини, атрофидаги дунёни танитдилар. Ушбу буюк шахслардан бири шубҳасиз Абу Али ибн Сино эди.

Машҳур табибнинг тақдир тақозоси билан Хоразмга келиши ва Маъмун академиясининг етакчи олимларидан бирига айланиши тасодифий эмас. Асли Бухорода туғилиб ўсган, юксак илмий салоҳият эгаси бўлган Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ сомонийлар ҳукмдори Нуҳ ибн Мансурни оғир дарддан халос этади. Бу хизмати эвазига ҳукмдордан сарой кутубхонасидаги китоблар билан танишишга рухсат олади. Шарқда энг бой ҳисобланган кутубхонадаги нодир китобларни икки йил тинимсиз мутолаа қилиб, ўз билим доирасини кенгайтиради.

Аммо 999 йилда қорахонийлар босқини пайтида бу кутубхонадаги барча китоблар куйдирилади, ёш олим эса таъқиб остига олинади. Ибн Сино бир муддат дарбадарликдан сўнг Абу Райҳон Берунийнинг таклифи билан Гурганжга келади ва Маъмун академиясида тиб илми билан шуғулланади. Шу ерда устози Абу Наср Ироқ, машҳур табиблар Абул Хайр Ҳаммор, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Абдуллоҳ ал-Йилоҳий ва бошқалар билан танишади. Тезда ўз иқтидори ва қўли енгил шифокорлиги боис тилга тушади. Аксар асарлари шу ерда ёзилиб, изланишлари ниҳоясига етмасада, бу ердаги фаолияти келгуси буюк кашфиётларига замин яратди.

**— Хоразм Маъмун академиясида тиб илмига эътибор қандай бўлган?**

— Ўрта асрларда олимлар фаннинг кўпгина соҳалари билан шуғулланган бўлсалар-да, уларни биринчи ўринда инсон, унинг организми қизиқтирган. Чунки соппа-соғ одамнинг хасталик туфайли тезда нобуд бўлиши ўша даврда олимларни кўп ўйлантирган. Шу маънода қадимда тиб илми билан шуғулланмаган олимнинг ўзи йўқ эди, десак янглишмаймиз. Маъмун академиясида етмиш нафардан зиёд иқтидорли олим изланишлар олиб боргани маълум. Уларнинг ярмидан кўпроғи бевосита тиббиёт илми билан машғул бўлганлар. Ҳатто Абу Райҳон Беруний ҳам шу йўналишда асарлар ёзган.

Ибн Сино академиядаги етти йиллик фаолияти даврида турли соҳаларга доир ўнлаб рисолалар яратди. Машҳур «Тиб қонунлари» асари учун маълумотлар тўплайди. Устози Ибн Ҳаммор маслаҳати билан «Инсоннинг яратилиши ва аъзоларининг тузилиши», «Тутқаноқ касаллиги ҳақида», «Қариликда соғлом яшаш ҳақида» каби китобларини ёзади. Бир қатор ёш олимларга устозлик қилади. Шарқда биринчи бўлиб инсон организмидаги айрим хасталикларни даволашда жарроҳлик амалиётини ҳам шу ерда қўллайди. Касалликнинг келиб чиқиши, ташхис қўйиш ва даволашда детерминизмни асос қилиш, яъни ҳар бир хасталик, муҳит, шароит, овқатланиш, тананинг ўзига хос хусусияти, организмнинг ташқи муҳитга муносабати каби омиллар билан бевосита боғлиқлигига ана шу тажрибалари натижасида илмий ишонч ҳосил қилади. Бир сўз билан айтганда, илк бор касалликни даволашнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқади.

Ибн Сино жаҳон тиббиётининг етакчиларидан бирига айланишида Маъмун академиясининг ўрни беқиёсдир. Чунки, кишидаги илмий салоҳиятнинг юзага чиқиши учун ҳамма замонларда зарур шарт-шароит талаб қилинади. Маъмуншоҳнинг тарихдаги буюк хизмати шу бўлдики, у илм аҳлига катта шароит яратди, уларни қўллаб-қувватлади. Шу туфайли Гурганжга дунёнинг етти иқлимидан олимлар кела бошлайди. Улар орасида нафақат шарқликлар, балки юнонлар ва бошқа халқ вакиллари ҳам бор эди.

**— Ўша даврларда Маъмун академияси атрофида ҳар хил низолар ҳам бўлган дейишади...**

— Тўғри, шундай воқеалар ҳам бўлган. Масалан, академиянинг шон-шуҳрати Хуросон ҳукмдори Султон Маҳмудга ёқмайди. Шу боисдан Султон Маҳмуд олимларнинг Ғазнага юборилишини талаб қилади. Гарчи Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун ғазнавийлар ҳукмдорининг куёви бўлсада, бу талабни рад этади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Маҳмуд Ғазнавий Хоразмдаги олимларни оғдириб олиш учун турли усулларни қўллаган. Бу пайтга келиб ўзаро ички низолардан хоразмшоҳлар салтанати хийла ожизланганди. Буни англаган бир гуруҳ олимлар Гурганжни тарк этадилар. Улар орасида Абу Али ибн Сино ва Абу Саҳл Масиҳий каби буюк алломалар ҳам бор эди. Олим уч ойлик йўл машаққатларидан сўнг Хуросоннинг Журжон шаҳрига етиб келади ва бу ерда «Тиб қонунлари» асарини поёнига етказади.

Ибн Синонинг муҳожирликда Маъмун академиясида фаолият кўрсатган олимлар билан мулоқот қилган-қилмагани ҳақида маълумотлар сақланмаган. Буюк олим Ҳамадон шаҳрида 57 ёшида вафот этади. Минглаб дардларга даво топган олимни қувғин ва таъқиблар мавҳ этган эди.

Шу ўринда улуғ ҳакимнинг жаҳон тиббиёт фани учун қолдирган беқиёс мероси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз. Унинг 280 та асари мавжуд бўлиб, шулардан 160 таси бизгача етиб келган. Энг қизиғи, уларнинг 43 таси тиббиёт ҳақида, қолганлари фалсафа, илоҳиёт, тасаввуф ва руҳшуносликка оиддир.

Биз ҳақли равишда Ибн Сино ва бошқа юзлаб олимларга бешик бўлган Хоразм Маъмун академиясининг ўтмиши ва бугуни билан фахрланамиз...

**Суҳбатдош: Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ўзбек феъли

# САХИЙЛИК

Саховат ва ҳиммат халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Саховатли ва ҳимматли инсонлар сахий деган муборак номга эга бўлишган. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Сахийлик ҳақида ҳадисларда шундай дейилади: «Сахийлик — бамисоли жаннат дарахтларидан биридир. Унинг шохлари дунёга осилиб тушиб туради. Кимки шохлардан бирига осилиб олса, у жаннатга олиб боради».

Қўли очиқ, эзгу қалбли сахий кишиларни халқимиз ҳурмат қилади, эъзозлайди. «Бирингизга минг, мингингизга туман берсин, олингу олдирманг», деб дуолар қилишади. Дарҳақиқат, сахийлик Оллоҳ берган шундай бир фазилатки, унинг эгаси ҳеч қачон кам бўлмайди. Бундай кишиларга Яратганнинг ғазнаси кенг очилган бўлади. Шунинг учун улар ҳам моддий, ҳам маънавий бой яшайдилар. Сахийлик ҳақида гап кетганда бир дўстим икки йилча бурун айтиб берган ҳикоят ҳеч эсимдан чиқмайди.

Ҳозирги замоннинг қадрига етмаймиз. Кўплар қийинчилик деб нолишади, оҳ-воҳ қилишади. Эсингдами, «Етти йиллик планни беш йилда бажарамиз!» деб дунёга жар солган пайтларимиз? Уйимизда дон йўғу, мақтанишимиз оламни бузарди. Тонг саҳардан нонга навбатда туриб, зўрға бир буханкага илинардик. Ўша кезларда худодан бўлиб, икки буханка нон олиб қолдим. Суюнганимдан уни олиб, дала ҳовлига йўл олдим. Йўлда, автобус тиқилинч, янги нон ҳиди анқиб турибди. Очликда нон ҳиди бошқача туюлади. Шу кетяпман, дегин, ҳамма «Нон ҳиди қаёқдан келяпти?» деб аланглайди.

Амаллаб дала ҳовлига етиб олдим. Қўшниникидан калит олгани ҳовлига киришимданоқ «Амаки, нон олиб келдингизми, қорнимиз оч!» деб болалари атрофимни ўраб олишди. Шунда биласизми, йиғлаб юборишимга сал қолди. Уйга кирдик. Совуқдан жунжиккан қўшним танчада ўтирарди. Бир пастда болалари кириб, танча атрофига тизилишди. Ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Келинойи дастурхон ёзди.

— Дастурхонингни секинроқ силкит, яна меҳмон шамоллаб қолмасин, — деб ҳазиллашди қўшни. У водийлик бўлгани учун чистонга уста эди.

Сўнг гирдоб патнис қўйилди. Бир ҳовуч туршак ва жийда ташланди. Нондан эса дарак йўқ. Болаларнинг кўзи тўрвада. Нонни дастурхонга қўйиб, пичоқ чиқариб майдалашга тушдим. Энг кенжаси нонга қўлини чўзмоқчи эди: «Тўхта, олдин меҳмон олсин, болам» деб дакки берди отаси. Ўзбекчилик-да, шундай дамда ҳам одоб биринчи ўринда. Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм, деб ота нонга қўл узатди. Қани, болаларим олинглар, деди. Келинойи қайнаб турган самоварни олиб кирди. «Чой ҳам тамом бўлган экан, беҳининг пўстлоғидан солдим», — деди у чойнакни сомоварнинг кампирагига қўя туриб.

— Ҳа, майли, яхши қилибсан, мен олма шохи пўстини шилиб майдалаб қўйдим, кейинги сафар ўшандан дамла. Олма чойнинг ҳиди яхши бўлади.

Иккинчи нонни ҳам тўғрадим. Болалар иштаҳа билан ейишарди. Кетма-кет чой ичиб, бирин-кетин ўринларидан туриб кетишди. Энг кичкинаси чойга нонни ботириб кавшанарди.У ҳам тўйди шекилли, «Раҳмат» деб ҳовлига отилди. Шунда қўшним, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ие, нега йиғлайсиз, тинчликми? — деб уни юпатмоқчи бўлдим. У йиғидан ўзини тўхтата олмасди.

— Чойдан ичинг ўзингизга келасиз, — деб чой узатдим.

У бечора чойдан ҳўпламоқчи бўларди-ю, қўли титрарди.

— Қўшни, Сизга раҳмат. Сиз ҳозир чинакам инсоннинг ишини қилдингиз. Агар нonning бир буханкасини майдалаганингизда болалар тўймасди. Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймасди. Сиз уларни кўзини тўйғаздингиз. Кўрдингизми, нон ортиб қолди. Раҳмат сизга. Чинакам сахийлик қилдингиз.

Ўртоғимнинг бу ҳикоясини кўнглимда сақлаб юрардим. Худога шукур қоғозга тушириш вақти келди.

Навоий ҳазратлари саховат, сахийлик, эзгу амаллар ҳақида шундай ёзган:

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг**
**хотирин шод айлагай,**
**Онча борким, Каъба вайрон**
**бўлса обод айлагай.**

**Юнус ЗИЁДОВ**

Маълумки, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан тишларнинг соғлом, бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси жамоаси «Сиҳат-саломатлик йили»да аҳолига сифатли тиббий ёрдам ҳамда хизмат турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жамоа аҳоли, айниқса, болаларга тишларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида безарар, оғриқсиз даволаш усулида хизмат кўрсатишга аҳамият беряпти.

**Суратда:** олий тоифали врач-стоматолог Нилуфар Абулқосимова ҳамда даволаш бўлими бошлиғи Гулчеҳра Мусаева иш устида.

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Akbar JONUZOQOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchi:**
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 354
9389 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

## Футбол

# ҲАКАМЛАР ҚАНЧА ОЛИШАДИ?

Ўзбекистон футбол федерацияси шу йилдан бошлаб мамлакат миллий чемпионати, биллур соврини ҳамда республика биринчилиги ўйинлари савиясини кўтариш, келишилган учрашувларга барҳам бериш мақсадида ҳакамларга тўланадиган сумма миқдорига ўзгартишлар киритди. Унга кўра, илгари бир ўйинни бошқаргани учун 30 минг сўм атрофида пул оладиган ҳакамларнинг иш ҳақи сезиларли даражада ошди. Жумладан, олий лига учрашувида майдонга тушадиган бош ҳакамга битта ўйин учун 350 минг, ёрдамчиларнинг ҳар бирига 150 минг сўмдан пул тўланади. Шунингдек, заҳирадаги ҳакам 48000, учрашув назоратчиси 230 минг сўмдан ҳақ олишади. Қолган мусобақалар учун тўланадиган сумма ҳам ҳакамларни ранжитмайди.

| | Ўринбосарлар учрашуви | Кубок ўйини | Биринчи лига | Тайёрлов гуруҳи |
|---|---|---|---|---|
| Бош ҳакам | 25000 | 75000 | 40000 | 5000 |
| Ёрдамчи ҳакамлар (ҳар бири) | 12000 | 35000 | 20000 | 2500 |
| Заҳирадаги ҳакам | 3000 | 10000 | 5000 | 1000 |
| Назоратчи | 20000 | 60000 | 30000 | 4000 |

Юқорида кўрсатилган суммаларни жамоалар нақд пулсиз ЎФФ ҳисоб рақамига ўтказадилар. Ҳакамлар ўз хизмат ҳақларини ЎФФдан махсус ҳисоб рақами орқали олишади.

# ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Кеча Осиё чемпионлари лигаси учрашувларининг иккинчи давра баҳсларига старт берилди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоасини қабул қилди.

Ўтган турда Саудия Арабистонида кечган бу икки жамоа учрашувида мезбонлар пахтакорчиларга ҳеч қандай имконият қолдиришмаган — 3:0. Шу боис, мухлислар «Пахтакор»нинг Тошкентдаги жавоб учрашувида ҳужумкор ўйин намойиш қилишига умид билдиришганди. Бир қатор моҳир легионерлар билан шакллантирилган ва бразилиялик Жуниньо бош мураббийлик қилаётган «Ал-Аҳли» жамоаси ҳам ғалаба иштиёқида майдонга тушди. Бироқ кескин ва murосасиз кечган учрашувда тошкентликлар 2:1 ҳисобида устун келишди. Вакилларимиздан тўпларни Л.Кошелев ва А.Солиев киритди.

Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса ушбу турда Қатарда «Ал-Садд» футболчилари меҳмони бўлди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур жамоаларнинг Фарғонада уюштирилган ўйинида мезбонлар 2:0 ҳисобида зафар қучганди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ЭР СЎЗИДАН ҚАЙТМАС, ШЕР — ИЗИДАН

«Йигит сўзидан қайтмас, арслон — изидан», «Эр айтмас, айтса қайтмас», «Ким мард бўлса сўзига, ойдир она кўзига», «Тупурилган тупук қайтиб оғизга олинмас» (Бу мақолни бир одам бир нарсани қилмайман деб аҳд қилган, қасам ичган, сўз берган бўлса-ю, яна ўшани такрорласа, шунда унга аччиқ киноя тарзида айтадилар. Шунингдек, фалон ишни энди қилмайман, деб ваъда бераётган, қасам ичаётган одам бу аҳдида қатъиян туражаклигига, сўзини асло ерда қолдирмаяжаклигига кишиларни қатъий ишонтирмоқ мақсадида шундай дейди), «Турсанг сўзингда — ҳурмат юзингда».

# «КИТОБ ДУНЁСИ»

### нашрининг 4-сонини ўқисангиз, мамлакатимиз ноширларининг янги туҳфалари билан танишасиз



Унда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлар компанияси, Ғафур Ғулом номидаги, Чўлпон номидаги, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» ва Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриётлари, «Ижод дунёси» нашриёт уйи, «Истиқлол», «Адолат» сингари яна бир қатор нашриётларда чоп этилган янги китоблар — тарихий, бадиий асарлар, илмий-ижтимоий тўпламлар, публицистик рисолалар, шунингдек, дарсликлар, қўлланмалар ва болалар учун мўлжалланган жаҳон халқлари эртаклари, насрий-назмий ҳамда рангли-безакли дебочаларнинг мазмун-мундарижасидан воқиф бўласиз.

Улар орасида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ғазаллар, рубоийлар ва достонларидан иборат «Шавқингни ёд этиб», ёзувчи Тиловберди Жўраев романининг иккинчи нашри — «Арвоҳлар тунда изғийди», шоир ва олим Сафо Очилнинг «Ўзбекистон педагог олималари», адиб Анвар Обиджоннинг «Ўқ ўтмас болакай», адабиётшунос Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Мангулик йўлида», Ҳожиакбар Шайховнинг «Рене жумбоғи» сингари китоблари ҳақидаги тақризнома мақолалар ўз ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди, албатта.

Шунингдек, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Абдуғафур Расуловнинг «Шеърнинг сози — тўрт сатр» номли тақризи, «Қулоғи қизарадиган филча ҳақида» (Раим Фарҳодий), «Умр бир қўшиқ» (Жаббор Раззоқ), «Тарихнинг қонли ва кўз ёшли саҳифалари» (Ғаффор Ҳотамов), «Оқ каптарлар ороли» (Абдусаид Кўчимов), «Наъматак ифори» (Манзура Бекчонова), «Меҳнат менталитети: янгиланиш ва тараққиёт диалектикаси» (Фарҳод Турғунбоев) каби ўнлаб китоблар тўғрисида битилган илиқ сатрлар ҳамда болалар шоири Қамбар Ўтаевнинг «Қувонч билан гаплашдим» туркумидаги шеърлари «Китоб дунёси» муштарийларида қизиқиш уйғотиши, шаксиз.

Айни пайтда газета-журнал шаклида чоп этиб келинаётган мазкур нашрда бу гал ўзбек олимларининг эндиликда хорижда ҳам босилаётган илмий мажмуалари, «Жаҳон адабиёти» журналининг навбатдаги сонларида чоп этилаётган янги асарлар, ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқаётган ўқув-услубий дарсликлар, қўлланмалар тўғрисидаги битиклар ҳамда энг муҳим саналар ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларнинг ўзларига кераклиларини танлаб ўқишлари учун ўзига хос тавсиянома бўлган.

**Ҳилола САЛОЕВА**

MS Consult

Единственная консалтинговая компания в Узбекистане, имеющая международный сертификат ISO 9001:2000

ПРИГЛАШАЕТ
на Курсы-тренинги

ISO 9001

"Менеджер системы управления качеством по ISO 9001 версии 2000" (5 дней)

"Внутренний аудитор системы управления качеством по ISO 9001 версии 2000" (3 дня)

"Разработка системы управления качеством по ISO 9001 версии 2000" (3 дня)

На курсах-тренингах
• Изучается каждое требование стандарта и их применение
• Определяются все виды документации, необходимые для СМК
• Проводятся практические занятия
• Освещаются проблемы, в процессе разработки документации СМК и методы их решения
• Определяются этапы разработки и внедрения СМК
• Освещается необходимость и порядок проведения внутренних проверок качества, выявление и анализ причин несоответствий

Курсы проводятся совместно с международным сертификационным органом
RWTÜV

Тел/факс: (998 71) 136-55-34
152-76-71
152-18-93
(998 97) 111-07-49
e-mail: info@ms-consult.uz,
ms-consult@mail.ru
web site: www.ms-consult.uz

«AVTOKADR» МЧЖ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*2005 йилнинг 20 май куни соат 10.00 да жамиятнинг навбатдаги умумий мажлиси Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси, 53-уйда ўтказилади.*

КУН ТАРТИБИ:

1. «Avtokadr» масъулияти чекланган жамиятнинг 2005 йил 1 чорак иш якуни бўйича жамият директорининг ҳисоботи.
2. «Avtokadr» МЧЖнинг Устав жамғармасини ошириш тўғрисида.
3. «Avtokadr» МЧЖнинг тақсимланмаган улушини жойлаштириш тўғрисида.
4. Бошқа масалалар.

Кузатув кенгаши